ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ОИД ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

Р. Икрамов
Чирчиқ давлат педагогика институти

Ш. Бобоқулов
Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Ер ноёб табиий ресурс бўлиб, ҳудуддаги экологик, ижтимоий, иқтисодий, демографик вазият, таъбир жоиз бўлса, сиёсий барқарорлик ҳам кўп жиҳатдан унинг ҳолатига, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш даражасига бевосита боғлиқ. Чунки, аҳоли сони мунтазам ошиб бораётган ва унга қарши ўлароқ, унумдор ерлар миқдори секин-асталик билан камайиб бораётган бир шароитда мавжуд унумдор ер захираларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш чораларини кўриб бориш долзарб муаммо, давлат экологик сиёсатидаги марказий масалалардан бўлиб қолмоқда. Зеро, ер экологик тизимнинг таркибий қисми сифатида атроф табиий муҳит барқарорлигини таъминлаш, давлат суверенитети ва иқтисодиётининг моддий асосларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Калит сўзлар: ҳуқуқ, ер ресурслари, таълим, қонун, экология.

IMPROVEMENT OF LEGAL FUNDAMENTALS FOR LAND PROTECTION

ABSTRACT

Land is a unique natural resource, and the ecological, social, economic, demographic situation in the region, so to speak, political stability also depends in many respects on its condition, the level of its rational and efficient use. This is due to the fact that in a situation where the population is constantly growing and, conversely, the amount of fertile land is gradually declining, the rational and effective use of existing fertile land resources and measures to protect it remain a central issue in state environmental policy. Indeed, land as an integral part of the ecological system plays an important role in ensuring the sustainability of the environment, strengthening the material foundations of state sovereignty and economy.

Keywords: law, land resources, education, law, ecology.